

Амир Темур - ватанпарвар сиймо

Амир Темур ва Темурийлар даврида мамлакатни фалокат ёқасига келтириб қўйган сиёсий тарқоқлик ва мўғуллар истибдодига барҳам берилди, диёримизда марказлашган мустақил давлат ташкил этилиб, у салтанат даражасига кўтарилди. Мамлакат иқтисоди юксалиб, турли халқлар ўртасидаги ўзаро алоқалар қайта тикланди. Марказий Осиёнинг жаҳон цивилизациясида тутган ўрни ва нуфузи ортди.

Амир Темурнинг ўзбек давлатчилиги тарихидаги хизматларига Биринчи Президентимиз Ислом Каримов юксак баҳо берган: «...кимки ўзбек номини, ўзбек миллатининг куч-қудратини, адолат-парварлигини, чексиз имкониятларини, унинг умумбашарият ривожига қўшган ҳиссасини, шу асосда келажакка ишончини англамоқчи бўлса, Амир Темур сиймосини эслаши керак»⁶⁷.

Амир Темур ҳаёти давомида ҳар қанча қийинчиликларга дуч келса-да, Ватанга хизмат қилиш, унинг келажаги учун қайғуриш ва ўзини бутун борлигини бахшида этишга ҳаракат қилган. Буни биз «Темур тузуклари»да қайд этилган жуда кўп мисоллар орқали исботлашимиз мумкин. Масалан, Мўғулистон (Чиғатой улусининг шарқий қисми) ҳукмдори Туғлуқ Темур Мовароуннаҳрга катта қўшин билан бостириб келганда, маҳаллий ҳукмдорлар ўз эл-улуси билан Мовароуннаҳрни ташлаб Хуросонга қочган. Амир Темур қудратли душманга қарши очиқ кураш олиб бориш имконияти йўқ эканлигини билган холда, ўз юртида қолиб, ғанимни Ватанига етказадиган зарарини камайтиришни режалаштирган. Шу боис у босқинчилар билан вақтинчалик муроса қилишга қарор қилади. «...Туғлуқ Темурхонни бориб кўришдан илгари бу очкўз амирларни мол-дунё билан маҳлиё этиб, Мовароуннаҳр вилоятини (улусини) қатлу ғиротдан қутқариб қолишга қарор қилдим»⁶⁸.

Мовароуннаҳрда мўғуллар истибдоди ўрнатилганидан кейин мўғул зодагонларининг маҳаллий аҳолига зулми кучайди. Ана шундай бир пайтда Амир Темур кураш тактикасини ўзгартирди. Юртни фалокатдан сақлаб қолиш учун очиқ кураш бошлади. «Мовароуннаҳрда мўғулларнинг жабру зулми ортиб кетди», «Илёсхўжа давлат ва сиёсат ишларида лаёқатсиз бўлгани туфайли уларнинг зулму сита-

⁶⁷ Каримов И. А. Соҳибқирон камолга етган юрт. Т. 5. - Т., 1997. - Б. 177.

⁶⁸ Темур тузуклари. - Т., 2014. - Б. 19.

мига барҳам беришга ожиз эди. Мен бўлсам, ўз салобату ҳайбатим билан мўғуллар устидан ғалаба қозондим ва мазлумларни золимлар жабридан халос этдим»⁶⁹.

Амир Темур бу курашда айрим маҳаллий ҳукмдорларнинг Ватан озодлиги учун курашиш эмас, балки тор гуруҳий манфаатни ўйлаб душманга бўйсунитиш ва ҳатто унга содиқлигини кўрсатиш учун озодлик ҳаракати иштирокчиларига қарши курашишини қоралади.

Мен «...мўғуллар устига лашкар тортишга қарор қилдим ва мазлумлар ҳақини золимлардан олиб бермоқчи бўлдим. Лекин бир неча разил кишилар бу ишни фош қилиб қўйдилар»⁷⁰.

шимолидаги қадимий шаҳар. Ўтмишда Тохаристон давлатининг

Амир Темур мўғуллар ҳукмронлиги даврида асосий эътиборни душманга қарши курашга қаратди. Босқинчиларга бўйсунган (хоинлик йўлини танлаган) маҳаллий ҳукмдорларни жазолашга ҳаракат қилмади. Шу боис, кўпчилик амирлар Амир Темур оғир аҳволга тушиб қолганда ёки танлаш фурсати келганда унинг томонига ўтдилар. Масалан, Амир Темур Бадахшонга келганида маҳаллий амирларуни қўллаб-қувватладилар. «Таликонга келганимда (Афғонистоннинг пойтахти) Бадахшон шоҳлари хабардор бўлгач, тинч йўл тутиб, менга мулозим бўлишни ихтиёр қилдилар»⁷¹.

Амир Темур мўғул босқинчиларини мамлакатдан ҳайдаб юборганидан кейин марказлашган давлат тузишда унга бўйсунмаган амирларни куч билан янчиб ташлашга ҳаракат қилмади. Зеро, ўзаро низолардан юрт ва оддий фуқаро кўп зарар кўришини Амир Темур яхши билган. «Ўзларини давлат шериги билиб, менга бўйсунитишни истамаган амирларни турли тadbирлар ишлатиб, ўзимга итоат эттириш учун турли йўллар қидирдим»⁷².

Мамлакатни босқинчилардан озод қилиб, давлат суверенитети қайта тикланганидан кейин биринчи навбатда ҳал этиш лозим бўлган масала иқтисодиётни қайта тиклаш ва аҳоли турмуш даражасини яхшилаш эканлигини Амир Темур яхши тушунган. Юрт ободлиги учун тинимсиз меҳнат қилиш ҳар бир ватанпарвар кишининг муқаддас бурчи деб билди. «Хароб бўлиб ётган ерлар эгасиз бўлса, холиса тарафидан обод қилинсин. Агар эгаси бўлса-ю, (лекин) обод қилишга қурби етмаса, унга турли асбоблар ва керакли нарсалар берсинлар,

⁶⁹ Темур тузуклари. - Б. 21.

⁷⁰ Ўша манба. - Б. 23.

⁷¹ Ўша манба. - Б. 37.

⁷² Ўша манба. - Б. 44.

токи ўз ерини обод қилиб олсин».⁷³

Марказлашган давлат тузганидан кейин Амир Темур кўшни давлатларнинг юртга талончилик юришларини тўхтатиш ва улар Масалан, Оқ Ўрда давлатининг Мовароуннаҳрга талончилик юриш билан яхши кўшничилик алоқаларини қайта тиклашга ҳаракат қилди. ларини бартараф этиш мақсадида ҳукмрон сулола вакилларининг ҳокимият учун курашига аралашиб Тўхтамишхонни тахтни эгаллашига ёрдам берди⁷⁴.

Амир Темур мамлакат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида тўхтовсиз юришлар ташкил этди. Бу юришларнинг асосий мақсади буюк салтанат тузиш ҳамда халқлар устидан ҳукмронлик қилишдан иборат бўлмаган. Масалан, тадқиқотчилар Амир Темурнинг Ҳиндистон- га юришини босқинчилик ва бойлик орттириш мақсадида ташкил этилган деб баҳолайдилар. Лекин «Темур тузуклари»да Ҳиндистон Турон подшосининг ҳукмидаги ҳудуд деб қаралганлиги маълум бўлади. «Амирзода Шохруҳ сўзни бундай давом эттирди: «Мен турк конунларида ўқиган эдимки, жаҳонда бешта шон-шавкатли подшоҳ бордир». Шулардан «Эрону Турон подшосини - шаҳаншоҳ дейдилар. Шаҳаншоҳ ҳукми ҳамиша Ҳиндистон мамлакатларида (ҳам) жорий этиларди»⁷⁵.

Салтанат таркибига киритилган ҳудудлар (Мовароуннаҳрдан ташқари) майда улусларга бўлинган ҳолда идора қилинган.⁷⁶ Мовароуннаҳр мамлакат маркази сифатида сақлаб қолинди. Юрт кўп сонли қариндошларга мулк (улфа) сифатида тақсимланмади. У Мовароуннаҳрни Шарқнинг йирик марказига айлантиришга ҳаракат қилди. Салтанат таркибига киритилган ҳудудлардан Мовароуннаҳрга олимлар, ҳунармандлар кўчириб келтирилиб, бу ерда ишлаб чиқариш, фан, санъат ва адабиёт ривожланиши учун қулай шарт-шароит яратилди. Кўлами жиҳатидан беқиёс бўлган бунёдкорлик ишлари олиб борилди.

Хулоса қилиб айтганда, Амир Темур ватанпарвар сиймо сифатида ҳаётини Мовароуннаҳрнинг гуллаб яшнаши ва уни дунёнинг маданий марказларидан бирига айлантиришга бахшида этди. У асос солган қудратли давлат инсоният тарихи ривожига ижобий таъсир кўрсатди. Жаҳон халқлари Марказий Осиё маданияти билан танишиш имкониятига эга бўлди.

⁷³ Ўша манба. - Б. 143-146.

⁷⁴ Ўша манба. - Б. 55-56.

⁷⁵ Ўша манба. - Б. 62.

* ИИВ Академияси 1-ўқув курси тингловчиси.

Адабиётлар рўйхати:

1. Людмила, Ю. Г. А. Й., and Хагани ГАДЖИЕВ. "Использование цифровой экспертизы при доказывании факта распространения ложной информации в интернете." Юрист Ахборотномаси 2.1 (2021): 208-218.
2. Югай, Людмила. "Совершенствование института адвокатуры в контексте конституционных реформ." Общество и инновации 4.8/S (2023): 1-9.